



Азиз ота-оналар, Аллох таоло мархамат килади: *Мен, жин ва инс тоифаларини Менга ибодат килишлари учунгина яратдим* (Зориёт-56).

Бу оятдан маълум бўладики, барча халк Аллохга ибодат килишлари учунгина

яратилган, бундан бошка сабаб йўқ. Барча пайгамбарлар, ўз кавмларини ёлгиз Аллох

таолога ибодат килишларига чакириш учун юборилганлар. Аллох таоло одамларга

мухтож бўлиб уларни яратгани йўқ. У зот бехожатдир. Аллох яхши кўрадиган ва рози

бўладиган хар бир сўз ва амалга ибодат дейилади.

1. Савол: Болажоним,

Аллох таоло тогларни, денгизларни нима учун яратди?

Жавоб: Одамларга

хизмат килишлари учун яратди.

2. Савол: Хайвонлар ва дарахтларничи?

Жавоб: Уларни хам одамлар учун яратди. Одамлар дарахтларнинг мевасини

еийшади, куриган шохларини ёкиб ишлатишади. Хайвонларни эса баъзиларини сўйиб

еийшса, баъзисига минишади.

3. Савол: Болажоним, ердаги барча нарсаларни

Аллох таоло одамлар учун яратган экан, одамларни нима учун яратди?



Жавоб: Аллох таоло одамларни Унинг Ўзига ибодат килишлари учун яратди.

4. Савол: Болажоним, ибодат факат Аллох учун килинадими?

Жавоб:

Ха дадажон, ибодат факат Аллох учун килинади.

5. Савол: Болажоним,
дaraohтга, хайвонга, сувга, оловга, одамга ё хайкалга ибодат килса нима бўлади?

Жавоб: Кимки Аллоҳдан бошкасига ибодат килса дўзахга киради.

6.

Савол: Болажоним, ибодат нима дегани?

Жавоб: Аллох яхши кўрадиган ва рози бўладиган сўзлар ва ишларга ибодат дейилади.

7. Савол: Болажоним,
агар одам Аллоҳга ибодат килмаса нима бўлади?

Жавоб: Бунака одамни Аллоҳ жаннатига киритмайди.